



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda Kichik biznes raqobatbardoshligini baholovchi sun'iy intellekt kompozit indeksi	159
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Iltom Begmatdulobovich Mattiyev Stressni boshqarish va sog'lom hayot tarzi odatlari	163
Nargiza Muzafarovna Babaeva Biznesni muvaffaqiyatli bo'lishida ta'lim va tajribaning ta'sir darajasi tahlili	167
Камилла Бахромовна Суюнова, Шахзода Абборовна Фаилова Маркетинг инноваций как фактор динамического роста отраслей экономики Узбекистана	172
Xilola Nematovna Ochilova Lavozimlar greydingining mohiyati hamda davlat va nodavlat tashkilotlarida lavozimlar greydingi tizimini qo'llanilishi	176
Nigina Ma'rufovna Usmanova, Abdulxofiz Jamshid o'g'li Hamrayev Sun'iy intellektning inson resurslarini boshqarishni takomillashtirishga ta'siri	182
Azizjon Isroiljonovich Ibroximov Korxonada xodimlarini boshqarishda KPI tizimidan samarali foydalanish yo'llari	188
ИНВЕСТИЦИЯ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ	
Насиба Акбаржонова Усманова, Жахонгир Санжарович Каримов Проблемы при планировании проекта. иерархическое распределение работ как ключ к решению	191
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Rahmonkul Hamidovich Djalilov Respublikamizda bilvosita soliqlar auditining nazariy masalalari	195
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова, Хушвақт Мансурович Ёдгоров Фармацевтика корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалари	198
Анвар Нематович Холиқулов, Азамат Ҳамроқулович Рахимов Автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили	203
Olimjon G'ayrat o'g'li Fattoyev Aholi daromadlari tarkibi va dinamikasi tahlili asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni takomillashtirish	207
Насиба Акбаржонова Усманова, Асель Армановна Сулейманова Анализ востребованных компетенций на рынке труда и их влияние на HR-стратегии компаний.	211
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov G'azzoliy ta'lim jarayonida shogirdning odobi xususida . (Abu Homid G'azzoliyning ta'lim-tarbiyaga oid qarashlarida shogird odobi xususida)	215
Sarvar Ayubovna Isxakova, Shaxzoda Shuxratovna Amriyeva Oliy ta'lim tizimining samaradorligini oshirish yo'nalishlari	220
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев Метод ва методологиянинг мазмуни ва фарқлари Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари	225

joriy hisobot davrida tuzatish bilan bog‘liq xatolar aniqlanadi. Shu bilan birga,

1. Buxgalter buxgalteriya hisobidagi xatolarni tuzatuvchi yozuvlarni va tuzatishlar kiritilgan hisobot davri uchun soliq hisobotlarini solishtirishi kerak.
2. Agar soliq to‘lovchi ilgari topshirilgan soliq hisobotlaridagi xatoliklarni aniqlagan bo‘lsa, u soliq idorasiga ushbu soliq davrlari uchun aniqlashtirilgan hisobotlarni taqdim etishi shart.

Natijada, qo‘shimcha soliq hisobini olgan soliq to‘lovchilar keyingi yillarda ko‘proq daromad ko‘rsatadi, qo‘shimcha hisob-kitob olmaganlar esa kamroq hisobot beradi. Samarasiz soliq tekshiruvlari tavakkalchilikni rag‘batlantiradi va audit davomida kam hisobot bergan soliq to‘lovchilar ba‘zi oldingi tadqiqotlarda aniqlangan auditdan keyingi muvofiqlikning pasayishiga hissa qo‘shadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda “soliq auditi”ga quyidagi mazmundagi ta’rifni shakllantirdik: “**Soliq auditi** – bu soliq to‘lovchilar tomonidan soliq va yig‘imlarning to‘g‘ri hisoblanishi va byudjetga to‘lanishida soliq qonunchiligiga rioya qilinishi, moliyaviy va soliq hisobotidagi ma’lumotlarni ishonchligini tekshirishdir”.

<p>Р.Джалилов</p> <p>Теоретические вопросы аудита косвенных налогов в нашей республике</p> <p>Аннотация. В данной статье рассмотрены правовые и теоретические аспекты независимых проверок налоговой отчетности предприятия иностранными и отечественными учеными-экономистами в налоговой системе с целью подтверждения ее достоверности, платежей в бюджет в виде налогов и штрафов, которые могут быть дополнительно начислены государственными органами. Также разработано авторское определение налогового аудита.</p> <p>Ключевые слова: налоговая система, налоговый контроль, налоговая отчетность, налоговый аудит, налоги и штрафы, цифровая трансформация аудита, налогообложение, аудиторские организации.</p>	<p>R.Jalilov</p> <p>Theoretical issues of audit of indirect taxes in our republic</p> <p>Abstract. This article explores the legal and theoretical aspects of independent inspections in the tax system by foreign and domestic economic scientists for the purpose of confirming the tax report of the enterprise and its reliability, payments to the budget in the form of taxes and fines that can be considered additional by state bodies. Also developed an author's definition of tax audit.</p> <p>Keywords: tax system, tax control, tax reporting, tax audit, taxes and penalties, digital transformation of audit, taxation, audit organizations.</p>
--	---

Бобур Фарходович Боронов – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д. (DSc)

Дилноза Гафуровна Худайназарова – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

Хушвақт Мансурович Ёдгоров – “Samarkand England Eco Medical” МЧЖ ҚҚ бош ҳисобчиси

ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада фармацевтика корхоналари фаолиятининг умумий тавсифи, ушбу тармок корхоналарининг мамлакат миллий иқтисодиёти равнақида тутган ўрни ва аҳамияти, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва улар ҳисоби, шунингдек фармацевтика корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалалари, ушбу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: фармацевтика фаолияти, фармацевтика корхоналари, дори воситалари, даромадлар бухгалтерия ҳисоби, харажатлар бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Кириш. Ҳозирги кунда бутун дунёда инсонларнинг соғлом ҳаёт тарзини барпо этишлари, уларнинг умрларини узайтириш борасида муҳим стратегиялар, давлат дастурлари ҳамда турли фаолиятлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу долзарб муаммолар ечимини топиш ҳамда мазкур ижтимоий жараёнлар бўйича ижобий натижаларга эришиш бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, бу каби омилларга атороф-

муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ошириш, шунингдек инсонларга тез ва узлуксиз тиббий хизматларни амалга ошириш, уларни зарурий дори воситалари билан таъминлаш киради. Ушбу жараёнлар бевосита фармацевтика фаолияти билан боғлиқ бўлиб, мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим ҳисобланади. Шу боис, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам бу борада “Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”¹, деб келтирилган бўлиб, бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда фармацевтика фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда юқорида қайд этиб ўтилган долзарб масалалар бўйича бир қатор сиёсий аҳамиятга молик бўлган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳукуватимиз томонидан аҳолини ижтимоий томондан қўллаш, уларга зарурий дори воситаларини етказиб бериш ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатишга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар жумласига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Қонунлари–6 та; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари–14 та; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари–18 та; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳужжатлари – 18 та; Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари – 17 та; NPPг (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар) айланмаси бўйича меъёрий ҳужжатлар – 6 та; “Фармасевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” ДМнинг ижтимоий аҳамиятга молик очиқ маълумотлари – 18 та; Ахлоқий хулқ-атворнинг намунавий қоидалари – 1 та; Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳужжатлари – 5 та; Коррупцияга қарши курашиш соҳасига тегишли норматив ҳужжатлар – 20 та; Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш соҳасида қўлланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар – 20 та². Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича аҳамиятга молик меъёрий-ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, ушбу натижалар фармацевтика фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Олиб борилган илмий изланишларимиз давомида фармацевтика корхоналари фаолияти, уларда даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобига оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари тадқиқ этилди. Жумладан, хорижлик олимлардан В.В.Горлов фармацевтика тармоқларида бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизимини ташкил этиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган бўлиб, ушбу илмий-тадқиқот ишида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари харажатларини бошқариш, харажатларни бошқаришда “стандарт-кост” ва “директ-костинг” тизимини қўллашнинг зарурияти, шунингдек фармацевтика тармоқларида даромадлар бошқарув ҳисоби методологияси, фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнларини прогнозлаштириш, фармацевтика корхоналарида ички назорат ҳисобини ташкил этиш, фармацевтика маҳсулотларини сақлаш ҳисоби ва уни ички назорат тизими тадқиқ этилган. Олимнинг фикрича “Фармацевтика саноати халқ хўжалигида ўзига хос ўринни эгаллаб, маҳсулотнинг ижтимоий йўналиши ва аҳамиятини белгилаб беради. Фармацевтика саноатининг ўзига хос хусусиятларига мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлардан қатъий назар барқарор, юқори ишлаб чиқариш суръатлари ва фойда ўсиши киради”³.

Украиналик олима О.Прокопова томонидан ҳисоботларнинг шаффофлиги, ишончлилиги ҳамда бугунги кундаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда фармацевтика корхоналари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришнинг назарий ҳамда услубий принциплари асосланган, ушбу тармоқ корхоналарида ҳисоботларнинг ахборот таъминотини янада оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва тақлифлар берилган⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 1 май.

² <https://www.uzpharm-control.uz/>

³ Горлов В.В. Концепция формирования управленческого учета и организация внутреннего контроля на предприятиях фармацевтической отрасли. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орёл: 2014. 48-с.


⁴ Prokopova O. Management Reporting of Pharmaceutical Enterprises. ISSN 2786-7978; eISSN 2786-7986. SCIENTIA FRUCTUOSA. 2023. № 3.

Б.Бобожанов томонидан фармацевтика корхоналарини ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари тизими, прогноз параметрлари, статистик кузатув натижалари ва бошқа шу каби ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик жараёнлар тадқиқ этилган¹.

Юқорида олиб борилган тадқиқот натижалари, хусусан олимлар томонидан бажарилган тадқиқот ишлари ва уларда эришилган натижалардан хулоса қилсак бўладики, бугунги кунда хорижий ва мамлакат олимлари хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этишнинг илмий-амалий асосларини очиб берган бўлсаларда, бироқ улар томонидан фармацевтика корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, жумладан даромад ва харажатлар ҳисобининг назарий ва амалий жиҳатларига, ушбу тармоқ корхоналарида молиявий ва бошқарув аҳамиятга эга бўлган ҳисоботларни шакллантиришга катта эътибор қаратишмаган.

Тадқиқот методологияси. Республика иқтисодётида фармацевтика фаолиятининг тутган ўрни ҳамда бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган меъёрий-ҳужжатлар тадқиқи натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”²ги Қонунининг 4-боби бевосита фармацевтика фаолиятини тартибга солиш, ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари ва амалга ошириш механизмларига бағишланган бўлиб, фармацевтика фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган:




1-расм. Фармацевтика фаолиятининг асосий йўналишлари³

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, меъёрий ҳужжатларда белгиланган фармацевтика фаолиятининг йўналишлари кенг қамровли соҳа ҳисобланиб, ушбу фаолият дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни сифатли ишлаб чиқаришдан бошлаб токи ушбу маҳсулотларнинг сотилгунигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартиблардан яна шуни аниқлаб олиш мумкин бўладики, фармацевтика фаолияти таркибига икки хил йўналишдаги фаолият турлари киради:

¹ Бобожанов Б.Р. Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолатининг статистик таҳлили ва прогнозлаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2020 йил.

² Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 4 январь. ЎРҚ-399-сон.

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



2-расм. Фармацевтика фаолиятининг таркибий қисмлари¹

Бундан кўришиб турибдики, фармацевтика фаолияти кенг қамровли фаолиятлардан ҳисобланиб, давлат ташкилотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Фармацевтика маҳсулотларини чакана сотиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар бу дорихоналар ҳисобланади. Фармацевтика соҳасида уларнинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, дорихоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Статистика рақамлари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дорихоналар сони 16 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири аҳолининг ҳар 2,3 минг нафарига тўғри келмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларда ушбу кўрсаткичга оид статистик рақамлар турлича бўлиб, “битта дорихона Данияда 18,5 минг, АКШда 5,3 минг, Буюк Британияда 4,96 мингта, Германияда 3,97 минг, Туркияда 3,36 минг аҳолига тўғри келади”². Ушбу рақамлар таҳлили натижасида хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан шуғулланувчи корхоналар сони ривожланган мамлакатларга нисбатан анчагина кўпроқ. Демак, ушбу тармоқ корхоналари фаолиятига талаб ҳам кўп бўлиб, бу жиҳатлар ижтимоий томондан мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги бўйича кўрсаткичларнинг ижобий эмаслигидан дарак беради. Бироқ, бошқа томондан, яъни иқтисодий томондан қараладиган бўлса, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати, нархи ва турларига боғлиқ бўлиб, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида муайян вазифаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 триллион сўмни ташкил этган бўлиб, ўсиш суръати 118 фоизни ташкил этган. Шундан, фармацевтика маҳсулотлари экспорти 180,1 миллион долларни ташкил қилган. Инвестиция ҳажми эса, 310 миллион долларни ташкил этган бўлиб, ушбу маблағлар, ўз навбатида, мамлакатда фармацевтика фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшган³. Фармацевтика маҳсулотлари ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвал кўринишида таҳлил қилиб чиқамиз (1-жадвал).

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан келтирилган статистик рақамлар асосида амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар таркибида тиббий техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг улуши бошқа фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² <https://parliament.gov.uz/oz/news/farmatsevtika-sohasi-yanada-rivojlanadi>

³ <https://www.doridarmon.uz/uz/news/v-2024-godu-proizvedeno-farmatsevticheskoy-produktsii-na-51-trln-sumov>

нисбатан кўпроқ ҳиссани ташкил этмоқда. Бироқ, шундай бўлсада, фармацевтика маҳсулотлари таркибида дори воситаларининг улуши бошқа маҳсулотларга нисбатан

1-жадвал

Фармацевтика корхоналари ва маҳсулотлари сонининг таҳлили¹

2025 йил ҳолатида

№	Кўрсаткичлар	Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар		Фармацевтика маҳсулотлари	
		Сони	Улуши	Сони	Улуши
1	Дори воситалари	50	24,9 %	33 311	77,0 %
2	Тиббий техника	114	56,7 %	3 436	7,9 %
3	Тиббий буюмлар	37	18,4 %	6 523	15,1 %
4	Жами	201	100 %	43 270	100 %

баландроқдир. Бундан ташқари фармацевтика маҳсулотлари таркибида энг асосий маҳсулотлардан ҳисобланадиган биологик фаол кўшимчалар сони – 7192 та, доривор ўсимликлар сони – 364 та, косметика сони – 586 тани ташкил этади².

Хулоса ва таклифлар. Юқорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида айтиш мумкинки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фармацевтика корхоналари фаолияти ўзига хос жиҳатларга эга ҳисобланиб, ушбу тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, жумладан фармацевтика корхоналарининг даромад ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритиш, улар ҳисобини илғор тажрибаларга мослаштириш, ушбу тармоқ субъектлари бухгалтерия ҳисоби жараёнларида хорижий тажрибаларни қўллаш, фармацевтика маҳсулотларига оид ахборотлар шаффофлигини таъминлаш, бунда ҳисоботларни такомиллаштириш каби муҳим вазифалар мавжуд. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини илмий ва назарий томондан чуқур тадқиқ этишга, фармацевтика корхоналарида даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритишни осонлаштиришга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 1 май.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 4 январь. ЎРҚ-399-сон.
4. Горлов В.В. Концепция формирования управленческого учета и организация внутреннего контроля на предприятиях фармацевтической отрасли. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орёл: 2014. 48-с.
5. Prokopova O. Management Reporting of Pharmaceutical Enterprises. ISSN 2786-7978; eISSN 2786-7986. SCIENTIA FRUCTUOSA. 2023. № 3.
6. Бобожанов Б.Р. Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолатининг статистик таҳлили ва прогнозлаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2020 йил.
7. <https://www.uzpharm-control.uz/>
8. <https://parliament.gov.uz/uz/news/farmatsevtika-sohasi-yanada-rivojlanadi>
9. <https://www.doridarmon.uz/uz/news/v-2024-godu-proizvedeno-farmatsevticheskoy-produktsii-na-51-trln-sumov>
10. <https://uzpharmagency.uz/uz/>

¹ Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

² <https://uzpharmagency.uz/uz/>

<p>Б.Боронов, Д.Худайназарова, Х.Ёдгоров Организационно-правовые вопросы фармацевтических предприятий как субъектов бухгалтерского учёта</p> <p>Аннотация. В статье представлено общее описание деятельности фармацевтических предприятий, их роли и значения в развитии национальной экономики, объёма производства фармацевтической продукции и её учёта, а также организационно-правовых аспектов фармацевтических предприятий как субъектов бухгалтерского учёта. Кроме того, раскрыты особенности ведения бухгалтерского учёта на этих предприятиях.</p> <p>Ключевые слова: фармацевтическая деятельность, фармацевтические предприятия, лекарственные средства, учёт доходов, учёт расходов, Международные стандарты финансовой отчётности (МСФО).</p>	<p>B.Boronov, D.Khudaynazarova, X.Yodgorov Organizational and Legal Issues of Pharmaceutical Enterprises as Accounting Entities</p> <p>Abstract. The article provides a general description of the activities of pharmaceutical enterprises, their role and significance in the development of the national economy, the volume of pharmaceutical production and its accounting, as well as the organizational and legal aspects of pharmaceutical enterprises as accounting entities. In addition, the specific features of accounting in these enterprises are highlighted.</p> <p>Keywords: pharmaceutical activity, pharmaceutical enterprises, medicinal products, income accounting, expense accounting, International Financial Reporting Standards (IFRS).</p>
---	---

Анвар Нематович Холикулов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, профессор,
Азамат Ҳамроқулович Рахимов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН СУБЪЕКТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада сервис тўғрисида тушунча, хизматлар сифати ҳамда автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили ва уларни аниқлаш йўллари ёритиб берилган.

Калит сузлар: иқтисодий кўрсаткичлар, хизмат, хизматлар сифати, кўрсаткичлар, сервис, автомобиль сервис, автомобиль сервис самарадорлиги.

Кириш. Юсак даражада тараққий этган ҳозирги замон транспортисиз ривожланган жамият асосини яратиб бўлмайди. Чунки транспорт ҳар қандай мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам транспорт алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, таъбир жоиз бўлса, ҳам психологик аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилашнинг устувор йўналишларидан бири йўловчи ташиш жараёнида транспорт хизматини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Барча сервислар таркибида аҳолига транспорт хизматини кўрсатишнинг аҳамияти шундаки, у орқали одамларнинг юки ташилади, ўзларини маълум манзилга етказиб қўяди ва бошқа бир қанча хизмат турларини бажариб беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлиги таҳлили хорижлик олимлардан¹, Боден М., Милес И., Еиченгреен Б., Гупта П., Есченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П.,

¹ Boden M., Miles I. (ed.). Services and the Knowledge-based Economy. – Psychology Press, 2000.; Eichengreen B., Gupta P. The two waves of service-sector growth //Oxford Economic Papers. – 2013. – №. 1. – pp. 96-123.; Eschenbach F., Hoekman B. Services policy reform and economic growth in transition economies, 1990-2004. – The World Bank, 2005.; Triplett J.E., Bosworth B.P. Productivity in the US services sector: new sources of economic growth. – Brookings Institution Press, 2004.; Михалёв И. В., Полянин А. В. Методологические подходы государственного регулирования в сфере услуг. - 2014.; Korczynski M. Human resource management in the service sector. – Basingstoke: Palgrave, 2002.; Романович В.К. Сервисная деятельность. учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. / С.Н. Коробкова, В.И. Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова -3-е

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.